

Хозирги газеталар Оврупанинг махсули. Ўн олтинчи асрда Венетсияда кенг урф бўлган янгиликларга тўла кўлэзма варакалар («газете»)ни замонавий газеталарнинг илк аждоди дейиш мумкин. Ўша пайтда жахон савдоси маркази бўлган Венетсия газеталари Италия ва Оврүпадаги урушлар ва сиёсий ҳаёт ҳақида ёзишарди. Ўн еттинчи асрдан бошлаб босма газеталар бутун Оврүпа бўйлаб кенг тарқалди.

Ислом дунёси биринчи марта газета билан Оврүпа давлатларининг Шаркка ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий жихатдан фаол юришидан сўнг танишди. Оврүпаликлардан бу янгиликни биринчи бўлиб расман Усмонли салтанат вилояти саналган Миср қабул қилди. Туркиянинг ўзида эса биринчи мусулмон газеталари ўн тўққизинчи асрнинг ўттизинчи йилларида пайдо бўлди. Уларда султоннинг фармон ва фармойишларигина, шунингдек, саройдаги байрам ва маросимлар ёритилар эди. Етмишинчи йилларга келиб Истанбулнинг ўзида 81 та газета чоп этила бошлади.

Русия мусулмонлари, биринчи навбатда татарлар Яқин Шаркдаги диндошларидан анча олдин Оврүпа маърифатининг ютуқлари билан танишишга муваффақ бўлишди. Шунга қарамай, Русиядаги илк мусулмон газетаси «Таржимон» 1883 йилдангина нашр этила бошлади ва йигирма йил мобайнида Русияда шундай нашрлар орасида ягона бўлиб турди. Атоқли мутафаккир ва маърифатчи Исмоил Гаспирали унинг бош муҳаррири эди. Газета узок вақт Русиянинг турк тилидаги ягона нашри бўлиб турди, йигирманчи аср бошларида дунёда сакланиб қолган газеталарнинг энг кексаси эди. «Таржимон» ўттиз беш йил чиқиб турди ва 1918 йил 23 феввалидагина ёпилди. У ҳафтасига бир-икки марта, мўъжазгина ҳажмда, озрок нусхада босиларди. Аммо бу кичкина варақларнинг хизмати улкан эди. «Таржимон» таъсири остида Русиянинг турли бурчакларида қўплаб янги мактаблар, хайрия муассасалари очилди, адабий фаолият бошланди.

Гаспирали моҳир сўз устаси эди, унинг соддалик, қисқалик ва равшанлик билан ажаралиб турувчи ўз услуби бор эди. У ана шу тил ёрдамида мусулмон оламини бирлаштиришни орзу қиларди. Газетани Қирим, Истанбул, Тошкент, Боқу, Қозон ва бошқа жойларда бемалол ўқишарди.

Исмоил Гаспирали ўзи чоп эттираётган газета орқали инглиз мустамлакачиларининг босқинчилик сиёсатини қаттиқ танқид қилди. 1887 йилдан бошлаб «Таржимон»да давомли босилган «Фарогат ўлкаси» воқеий қиссасини билимдон сайёҳ – «Тошкентлик Мулла Аббос» таҳаллуси билан чоп эттирди. Бу сайёҳ Парижда бўлганида «Инглизларнинг Мисрда на диний, на қариндошлик манфаати бор, улар факат бу мамлакатга босиб олиш илинжида қелишган, бунга хайрихоҳлик қўрсатиб бўлмайди», деган эди.